



www.iu.edu.sa

المملكة العربية السعودية

وزارة التعليم العالي

الجامعة الإسلامية بالمدينة المنورة

عمادة البحث العلمي

قسم الترجمة

الأصول الثلاثة وأدلتها

تأليف / الإمام العلامة الشيخ

محمد بن عبد الوهاب

(رحمه الله)

ترجمه إلى اللغة الأوزبكية:

عبد القادر طاهر حسن

ح) الجامعة الإسلامية، ١٤٢٤هـ

فهرس مكتبة الملك فهد الوطنية أثناء النشر

محمد بن عبد الوهاب بن سليمان

المدينة المنورة ١٤٢٤هـ

الأصول الثلاثة / مترجم إلى اللغة الأوزبكية

ترجمه إلى اللغة الأوزبكية/ عبد القادر طاهر حسن

15 ص، ٢١×١٥ سم

ردمك: ٢ - ٣٧٠ - ٢ - ٩٩٦٠ - ٠

(النص باللغة الأوزبكية)

١ - العقيدة الإسلامية ٢ - التوحيد

ب العنوان

ديوي ٢٤٠ ١٤٢٤/٨٧٦

رقم الإيداع: ١٤٢٤/٨٧٦

ردمك: ٢ - ٣٧٠ - ٢ - ٩٩٦٠ - ٠

Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм

Маълумингиз бўлсинки, турт масалани урганиш бизга вожибдир;

Биринчи: Илм тахсил килмок, Оллох ва пайгамбарини танимок, ислом динини далиллар билан ўрганмок.

Иккинчи: Ўша илмга амал килмок.

Учинчи: Ўша илмга (бошкаларни) чакиромк.

Тўртинчи: Ўша илмга чакириш йўлида етган озорларга сабр килмок.

Оллох таолонинг ушбу сўзи юкоридагиларга далил бўлади: *«Мехрибон ва рахми Оллох номи билан (бошлайман), Аср (вакти)га касамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Факат иймон келтирган ва яхши амаллар килган, бир-бирларига ҳақ (йўл)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу ҳақ йўлида етган озорларга) сабр-тоқат қилишни тавсия этган кишиларгина (нажот топгувчидирлар)».*

Шофеъий -ул зотга Оллохнинг раҳмати бўлсин-шундай дейдилар: «Оллох таоло хужжат сифатида ўз бандалари устига факат шу суранигина нозил килганда ҳам уларга етарли бўлган бўлур эди».

Бухорий -ул зотга Оллохнинг раҳмати бўлсин- эса: «сўзламок ва амал килмокдан аввал билмок(ўрганмок) хақидаги боб», дея бунга далил ўларок ушбу оятни: *«Бас (Эй Мухаммад), ҳеч қандай илох йўқ, магар Оллохгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг»* келтириб, шу сўзни илова қиладилар: «сўз ва амалдан илгари илм (билим хосил қилиш) дан сўз бошлади».

Шуни унутмангки, Оллох сизни ўз раҳматига олсин, ҳар бир муслим ва муслимага куйидаги уч масалани билмок ва уларга амал килмок вожибдир;

Биринчи: Оллох бизни яратиб, бизга ризк-рўз ато этди, бизни беҳуда ташлаб кўймади. Аксинча, бизга бир пайгамбар юбордики, ким унга итоат килса жаннатга киради ва ким унга осийлик килса дўзахга киради. Бунга далил Оллох таолонинг ушбу сўзидир: *«Дархакикат, биз худди Фиръавнга пайгамбар юборганимиз каби сизларга хам устингиздан гувоҳ бўлган бир пайгамбарни юбордик. (Ўшанда) Фиръавн пайгамбарга осийлик килгач биз уни каттик (азоб билан) ушладик»* (Муззаммил:15-16)

Иккинчи: Оллох таоло ибодатда ўзи билан бирга бирортанинг (гарчи у курбат хосил килган (Оллохга якин бўлган) фаришта ёки Ўзи томонидан юборилган пайгамбар бўлса хам) шерик бўлишига рози бўлмайди. Бунинг далили: *«Албатта (барча) масжидлар Оллохникидир. Бас, (масжидларда) Оллох билан бирга бирон кимсага дуо-илтижо килманглар!»* (Жин: 18).

Учинчи: Пайгамбарга итоат килган ва Оллохни ёлғиз деб билган кишига Оллох ва Росулига душманлик килган кимсалар (гарчи улар энг якин кариндош бўлсалар хам) билан дўстлашмоғи ҳеч дуруст эмас. Бунга далил: *«Оллохга ва Охират қунига иймон келтирадиган кавмнинг Оллох ва унинг пайгамбарига душманлик килаётган кимсалар билан – гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки ака-укалари ёки кариндошлари бўлсаларда – дўстлашаётганликларини топмассиз. (Оллох) Ана ўшаларнинг дилларига иймонни битиб кўйгандир ва уларни ўз томонидан бўлган Рух-Қуръон билан қувватлантиргандир. Уларни остларидан анхорлар оқибу турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Оллох улардан рози бўлди ва улар хам Оллохдан рози бўлдилар. Ана ўшалар Оллохнинг хизбидирлар. Оғох бўлингизким, албатта Оллохнинг хизбигина нажот тонгувчилардир!»* (Мужодала:22).

Шуни билингким, Оллох сизни ўз тоатига муваффақ килсин, Иброхим алайхиссалом миллати - дини бўлмиш ханифийят - ёлғиз Оллохнинг ўзигагина холис килиб ибодат килмокликдир. Оллох барча инсонларни шунга буюрган ва уларни ана шунинг учун яратган. Бу борада Оллох таоло шундай дейди: **«Мен экин ва инсини фақат Ўзимга ибодат килишлари учунгина яратдим»**. («Менга ибодат килишлари учун» деган сўзнинг маъноси: мендан ўзгаларни кўйиб ёлғиз ўзимга сизгинишлари учун).

Оллох буюрган энг буюк нарса тавхид бўлиб, Оллохни ибодатда яккаламोक (ва унга бирор нарсани шерик килмаслик)дир. Оллох кайтарган энг буюк нарса эса ширк бўлиб, Оллох билан бирга бошқасига ибодат килмокликдир. Бунга далил: **«Оллохга ибодат килинглари, ва Унга бирор нарсани шерик килмаглари»** оятидир.

Агар сизга: инсон билмоги зарур бўлган уч асос (пойдевор) нима? дейилса, Банданинг ўз Раббисини, динини ва пайгамбари Мухаммад саллоллоху алайхи ва салламни танимогидир, деб айтинг.

Агар сиздан: раббинг ким? деб сўралса, айтингки: менинг раббим Оллох, У мени ва бутун оламларни ўз неъматлари билан тарбият килгандир. Хамда Ул менинг маъбудим, мен учун Ундан ўзга маъбуд йўқ. Бунга далил: **«Барча хамду-сано бутун оламлар тарбиятқунандаси Оллох учундир»**. Оллохдан бошқа бутун борлик оламдир, мен хам ўшал оламнинг бириман.

Агар сизга: раббингни нима билан танидинг? деган савол тушса: Унинг кўйган аломат-белгилари ва махлуқотлари билан танидим деб жавоб кил. Кеча ва кундуз, Куёш ва Ой унинг аломат-белгиларидандир. Етти кат осмон ва етти кат ер хамда улардаги ва уларнинг ораларидаги нарсалар Оллохнинг махлуқотларидир. Буларнинг далили Оллох таолонинг ушбу сўзларидир: **«Кеча ва кундуз, Куёш ва ой у(Оллох)нинг аломат-**

далилларидадир. Агар сизлар Оллохга ибодат килгувчи бўлсанглар, кўёшга ҳам, ойга ҳам сажда килманглар, (балки) уларни(нг барчасини) яратган зотга - Оллохга сажда килинглар!». «Албатта парвардигорингиз Оллох шундай зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра аришга кўтарилди. У кечани(коронгуликни) кундузга ўрар, кеча кундузни шошилиб кувиб юрар. У Кўёш,ой ва юлдузларни ўз амрига бўйсиндирган холда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва амр этиш унгагина хосдир. Барча оламлар парвардигори Оллох буюкдир» (Аъроф:54).

Раб (парвардигор) маъбуд деганидир. Бунинг далили ушбудир: *«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни яратган роббингизга ибодат килингларки, шояд унинг жазосидан сакланарсиз. У зот сизларга Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ қилиб мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Оллохга тенглаутирманг»* (Бақара:21-22).

Ибн Касир –Оллохнинг у зотга раҳмати бўлсин-: шу нарсаларни яратгувчи зотгина ибодатга ҳақлидир, деганлар.

Оллох таоло буюрган ибодатлар: ислом, иймон ва эҳсон, дуо, кўркув, умид, таваккул, (савобни) умид қилиш ва (азобдан) кўркмок, хокисорлик, тавба қилиш, мадад сўраш, қурбонлик ва назр қилиш ва булардан бошқа Оллох буюрган ибодатларнинг барчаси Оллох таолога хосдир. Бунга далил: *«Албатта (барча) масжидлар сажда Оллохникидир. Бас, (масжидларда) Оллох билан бирга бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!»* (Жин:18).

Бу ибодатлардан бирортасини Оллохдан ўзгага йўллаган кимса мушрик ва кофир бўлади. Бунга далил: *«Ким ўзи учун ҳеч қандай хужжат бўлмаган холда Оллох билан бирга бошқа илохга илтижо қилса, бас унинг ҳисоб-китоби парвардигорининг ҳузурда бўлув. Албатта*

кофир бўлган кимсалар нажот топмаслар»
(Муъминун:117).

Хадисда: «дуо ибодатнинг ўзгинаси» дейилган. Бунга (оятдан хам) далил (бор): **«Парвардигорингиз: Менга дуо-илтижо килинглар, (килган дуоларингизни) мустажоб килурман, деди. Албатта Менга ибодат килишдан кибр-хаво килган кимсалар яқинда бўйинларини эгган холларида жаханнамга кирурлар»** (Гофир:60).

Кўркув(нинг ибодатнинг бир тури эканлиги)га далил: **«Бас агар мўмин бўлсанглар, улардан кўркмангиз, мендан кўркингиз!»** (Ол Имрон:175).

Умиднинг далили: **«Бас, ким парвардигорига рўбарў бўлишдан (жаннатда унинг юзига карашни) умидвор бўлса, у холда яхши амал килсин ва парвардигорига ибодат килишда бирор кимсани (унга) шерик килмасин»** (Кахф:110).

Тавккулнинг далили: **«Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Оллохгагина таваккул килинглар (суянинглар)»**
(Моида:23).

«Ким Оллохга таваккул килса, бас, Оллохнинг ўзи унга етарлидир» (Талок:3).

Рагбат (Оллохнинг савобини хохлаш), рахбат (Оллохнинг жазосидан кўркиш) ва хушу (хокисорлик)нинг далили: Оллох таоло шундай дейди: **«Дархакикат улар (пайгамбарлар) яхши амалларни килишга шошилар ва бизга рагбат ва рахбат билан дуо-илтижо килар эдилар»**
(Анбиё:90)

Хашят (бу хам кўркув маъносида, бироқ бунинг маъноси чуқуррок) нинг далили: **«Уардан кўркманглар мендан кўркинглар»** (Моида:3).

Инобат(тавба килиш ва Оллохга қайтиш) нинг далили: **«Парвардигорингизга кайтинглар ва унга бўйинсунинглар»** (Зумар:54).

Истиона (мадад сўраш) нинг далили: **«Сенгагина ибодат киламиз ва Сендангина мадад сўраймиз»** (Фотиха:5).

Хадисда айтилган: «мадад сўрамокчи бўлсанг Оллохдан сўра».

Истиъоза (панох сўраш) нинг далили: **«(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам) айтинг: тонг парвардигоридан панох сўрайман»** (Фалак:1) **«(Эй Мухаммад) (барча) инсонларнинг парвардигоридан панох сўрайман деб айтинг»** (Ан-нос:1).

Истигоса (ёрдам-куткарув сўраш) нинг далили: **«Парвардигорларингиздан ёрдам сўраганингизда сизларга ёрдам берганини (эсланглар)»** (Анфол:9).

Курбонликнинг далили: **«Айтинг (эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам): Албатта менинг намозим, курбонлигим, хаёту мамотим бутун оламларнинг парвардигори Оллох учундир. У зотнинг биронта шериги йўк»** (Анъом:162-163).

Суннатдан далил: Росулulloх саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Оллохдан ўзгага курбонлик килган кимсага Оллохнинг лаънати бўлсин».

Назр-ниёзнинг (факат Оллох учун, унга аталиб килинмоги зарурлигининг) далили: **«Улар (хаёти дунёда ўз зиммаларига олган) назрларини тўла адо килурлар ва ёмонлик-дахшатлари кенг ёйилгувчи бўлган кун (киёмат)дан қўрқурлар»**. (Инсон:7).

Иккинчи асос: ислом динини далиллари билан ўрганмокдир. Яъни Оллохга тавхид ила бўйинсуниш, Оллохга (буюрган ва кайтарган ишларида) итоат килиш ва ширкни ва ширк ахлини тарк этишдир. Исломи дини уч даража (боскич)дан иборат: ислом, иймон ва эхсон. Хар бир боскич ўз асосига эга.

Биринчи боскич: ислом.

Исломнинг беш асоси бор:

- 1- Оллохдан ўзга маъбуд йўк ва Мухаммад Оллохнинг росули деб гувоҳлик бериш. (шаҳодат калимасини айтмоқ).
- 2- Намозни адо этмоқ.
- 3- Закотни бермоқ.
- 4- Рамазон ойи рўзасини тутмоқ.
- 5- Байтуллохга хаж килмоқ.

Шаҳодат калимасининг далили: **«Оллох, фаришталар ва илм ахллари адолат билан ҳукм килувчи ёлғиз Оллохдан ўзга ҳеч қандай тангри йўк, фақат Унинг ўзи барҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай (ҳақ) тангри йўк, фақат унинг ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир».** (Оли Имрон:18).

Шаҳодатнинг маъноси: ёлғиз Оллохдан ўзга биронта ҳақ маъбуд йўк, дегани бўлиб, «ла илаҳа» (ҳеч қандай илоҳ йўк) Оллохдан ўзга сизинилаётган барча нарсаларни инкор қилиш, «иллаллох» (фақат Оллох бор) ибодатга лойиқ Оллохнинг ёлғиз ўзи, деб икром қилиш демоқдир. Оллохнинг мулкида шериги бўлмагани каби, унинг ибодатида ҳам шериги йўк. Қуйидаги оятлар калимайи шаҳодат маъносига ойдинлик киритади: **«Эсланг (эй Мухаммад) Иброҳим (алайҳис-салом) отаси ва қавмига (қарата шундай) деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. Магар мени яратган зотгагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (ҳақ йўлга) хидоят қилажак».** (Зухруф:26-27). **«Айтинг (эй Мухаммад саллаллоху алайҳи ва саллам): «Эй аҳли китоб (яъни яҳуд ва насоролар) бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз- ёлғиз Оллохгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Оллохдан ўзга худо қилиб олмайлик. Агар улар (аҳли китоблар бу даъватдан) юз ўгирсалар, у холда сизлар (эй мўминлар): «гувоҳ бўлинглар, биз**

мусулмонлар-ягона Оллохга итоат килувчилармиз», деб айтингиз! (Оли Имрон:64).

«Мухаммадур росулуллох» шаходатининг далили: *«(Эй инсонлар) сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаккат чекишингиздан кийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл-хак динга келишингизга) харисташина бўлган ва барча мўминларга мархаматли, меҳрибон пайгамбар келди»* (Тавба:128).

«Мухаммадур росулуллох» шаходатининг маъноси: пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламга у зот буюрган нарсаларда итоат килиш, гайб хакида берган хабарларини тасдиқлаш, кайтариб-манъ килган нарсаларидан четланиш ва Оллохга пайгамбаримизнинг шариятида келганидек ибодат килиш.

Намоз ва закотнинг далили ва тавҳиднинг тафсири Оллохнинг ушбу сўзидир: *«Холбуки улар факат ягона Оллохга, У зот учун динни холис, тўғри йўлдан озмаган холларида ибодат килишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (хакдорларга) адо этишга буюрилган эдилар. Мана шу (улар буюрилган нарсалар) тўғри диндир (яъни ислом дини шудир).* (Баййина: 5).

Рўзанинг далили: *«Эй мўминлар, такволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз килингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз килинди».* (Бакара:183).

Хажнинг далили: *«Йўлга кодир бўлган кишилар зиммасида Оллох учун батуллохни хаж-зиёрат килиш фарздир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни хаж килишга моддий, соғлик ва тинчлик томонларидан кодир бўла туриб хаж килмаса) Оллох бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир»* (Оли Имрон:97).

Иккинчи боскич: иймон.

У етмишдан ортиқроқ тармоқ (бўлак)лардан иборат бўлиб, энг олийси «ла илаха иллаллох» калимаси, энг куйи кисми эса йўлдан озор (берадиган нарса)ни олиб ташлаш, хаё-иффат ҳам иймоннинг бир кисмидир. Унинг асослари олтига бўлиб: 1-Оллохга, 2- фаришталарига, 3- (мукаддас) китобларига, 4- пайгамбарларига, 5- охират кунига, 6- такдирнинг яхшию-ёмонига ишонмогингиздир. Ушбу олти асоснинг далили: **«Юзларингизни Маширик ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки яхшилик Оллохга, охират кунига, фаришталарга, китобларга ва пайгамбарларга иймон келтирган кишилардир»** (Бакара:177).

Такдирнинг далили: **«Биз хар бир нарсани кадар (ўлчов) билан яратдик»** (Камар:49).

Учинчи боскич: эхсон.

Унинг асоси битта. Оллохга, уни кўриб турганингиздек, агар сиз уни кўрмаётган бўлсангиз, у сизни кўриб турганидек ибодат килмогингиздир. Бунинг далили: **«Оллох такводор бўлган ва чиройли амаллар килгувчи зотлар билан биргадир»** (Нахл:128).

« (Эй Мухаммад), сизни турган пайтингизда ҳам, намоз ўқувчилар ичида бўлганингизда ҳам кўриб турадиган Қудратли ва Рахмли зотга таваккул килинг. Албатта У зот эшитгучи ва билгучидир» (Шуаро:217-220).

« (Эй Мухаммад), сиз кандай иш (билан) машгул бўлманг ва у (иш) хакида Куръондан бирон оят ўкиманг, (эй инсонлар), сизлар кандай амални килманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз» (Юнус:61).

Бу уч боскичнинг суннатдан далили Жаброил алайхис-саломнинг машхур хадисидир: «Умар –розияллоху анху- айтадилар: Биз Росулulloх саллОллоху алайхи ва

салламнинг хузурида ўтирган эдик, тўсатдан кийимлари оппок, сочи тим кора, афтидан мусофирга ўхшамайдиган ва бизга номаълум бўлган бир киши кириб келди. Юриб келиб Росулulloх саллalloху алайхи ва салламнинг олдиларига чўккалаб ўтирди. Икки тиззасини У зотнинг тиззаларига жипслаштирди ва икки кафтини сонлари устига кўйди. Ва деди: Эй Муҳаммад, менга ислом хақида хабар беринг. Росулulloх саллalloху алайхи ва саллам дедилар: Оллохдан ўзга ҳақ худо йўқлигига ва Муҳаммад Оллохнинг расули эканлигига гувоҳлик бермогинг, намозни тўла этмогинг, закотни бермогинг, рамазон ойи рўзасини тутмогинг, йўлга кодир бўлсанг Байтуллохга ҳаж-зиёрат килмогинг. У: Тўгри айтдингиз, деди. Аввал ўзи сўраб, кейин яна ўзи тасдиқлайди-я, деб унинг сўзидан ажабландик. (Ёт киши) деди: Менга иймон хақида хабар беринг. Росулulloх саллalloху алайхи ва саллам айтдилар: Оллохга, унинг фаришталарига, пайгамбарларига ва охират кунига ҳамда тақдирнинг яхшию ёмонига иймон келтирмогингдир. Тўгри айтдингиз, дея: менга эҳсон хақида хабар беринг, деди. Оллохга уни кўриб турганингдек, агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турганидек ибодат килмоқлигинг дедилар. Менга киёмат хабарини беринг деди. Киёмат хақида сўралаётган киши сўровчидан билувчирок эмас дедилар. (Яъни: бунимен ҳам, сен ҳам билмаймиз). Ундай бўлса унинг аломат-белгиларидан хабар беринг деди: Чўри ўз хожасини тугмоқлиги, яланг оёқ, камбагал кўйчивонларнинг (бир-биридан баланд, гўзал) уйларни куришда баслашаётганларини кўрмоқлигинг дедилар.

Умар айтади: (номаълум киши) кетди, биз эса бироз тин олиб ўтирдик. Шунда Росулulloх саллalloху алайхи ва саллам эй Умар бу сўроқлаб келган ким, биласизми? деб сўрадилар. Оллох ва Росули билувчирок дедим. Бу Жаброил сизларга динингиз ишларини ўргатиш учун келди дедилар».

Учинчи асос: Пайгамбарингиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламни танимогингиз.

Ул зот Мухаммад ибн Абдулло ибн Абдулмутталиб ибн Хошим, Хошим Курайшдан, Курайш араблардан, араблар эса Исмоил ибн Иброхим Халилуллохнинг зурриётидан –Унга ва пайгамбаримизга энг улуг ва афзал салот ва саломлар бўлсин.

Пайгамбаримиз олтмиш уч (камарий ҳисоб билан) йил умр кўрганлар. Бундан қирк йили пайгамбарликдан аввал, йигирма уч йили эса пайгамбарлик ва (Оллох томонидан инсонларга) элчилик билан кечган. «Икраъ» («ўқинг» ояти нозил бўлиши) билан Набий бўлдилар. «Муддасир» оятлари нозил бўлиши билан Росул бўлдилар. Тугилиб ўсган юртлари Маккадир, Мадинага эса хижрат қилганлар.

Оллох ул зотни ширк ибодатлари (кечирилмас гуноҳ эканлиги)дан огохлантириш ва тавҳид(ёлгиз Оллохгагина ибодат қилиш)га чакириш билан юборди. Бунинг далили: **«1-2. Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да (инсонларни охират азобидан) огохлантиринг! 3. Ёлгиз парвардигорингизни улуланг! 4. Либосларингизни пок тутинг! 5. Бутлардан йирок бўлинг! 6. Бераётган нарсангизни қуп санаган холингизда эҳсон қилманг! 7. Ёлгиз парвардигорингиз учун (кофирлар томонидан етадиган озорларга) сабр қилинг»** (Муддасир:1-7). *Туринг-да огохлантиринг!* дегенининг маъноси: Ширкнинг оқибати ёмонлигидан огохлантиради ва ёлгиз Оллохга ибодат қилишга даъват қилади. *Ёлгиз парвардигорингизни улуланг!* яъни: Унинг ўзига ибодат қилиш билан. *Либосларингизни покланг!* яъни: Амалларингизни ширкдан покланг. *Бутлардан йирок бўлинг!* Яъни: Бутлардан ва бутларга сигинадиганлардан йирок бўлинг.

Ўн йил давомида инсонларни тавҳидга даъват қилдилар. Бундан кейин ул зот Самога олиб чиқилди. Ул

зотга (ва умматига) беш вақт намоз фарз килинди. Маккада уч йил намоз ўқидилар. Сўнгра Мадинага хижрат қилишга буюрилдилар. Хижрат - ширк амаллари қилинадиган юртдан исломга амал қилинадиган юртга қўчиб ўтиш демакдир. Хижрат қилиш Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг умматига фарз, унга амал қилиш қиёмат қунига қадар давом этади. Хижратнинг қуръондаги далили: **«Албатта Мусулмонлар билан бирга хижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан ўзларига зулм қилган қиёмсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» - деганларида. «Биз бу ерда ночор бечоралар эдик», дейдилар. (Шунда фаришталар): «Хижрат қилсанглар Оллохнинг ери кенг эди-ку?! (Нега динларингизни саклаб қолиш учун бу юртдан хижрат қилмадинглар?)» - дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жой у! 98-99. Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, хижрат йўлини излаб тона олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни Оллох шояд афв этса. Зотан Оллох афв этувчи, мағфират қилгувчи бўлган зотдир»** (Нисо:97-99).

«Эй иймон келтирган бандаларим, шубҳасиз, менинг ерим кенгдир, бас, менгагина ибодат қилинглар» (Анкабут:56).

Имом Бағавий –роҳматуллоҳи алайхи- айтадилар: бу оятнинг нозил бўлиш сабаби Маккадаги хижрат қилмаган мусулмонлар ҳақидадир. Шунга қарамасдан Оллох уларга иймон исми билан хитоб қилган.

Хижратга суннатдан далил Росулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг ушбу сўзларидир: «тавба узилмагунча хижрат ҳам узилмайди. Тавба эса қуёш ўзининг ботадиған томонидан қикқунига қадар узилмайди».

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам Мадинага келиб жойлашғач қолган ибодатларга

буюрилдилар. Бунга мисол: Закот, рўза, хаж, жиход, азон, амри маъруф ва нахий мункар ва бошка исломий ибодатлардир.

Шу йўсинда ўн йилни ўтказганларидан кейин вафот этдилар, ул зотга Оллохнинг солавоот ва саломи бўлсин. Бирок у кишининг Оллох томонидан олиб келган дини бокий колди. Мана шу ислом ул зот олиб келган диндир. Хеч бир яхшилиқни колдирмасдан умматни унга йўлладилар, бирор ёмонликни колдирмасдан умматни ундан огох килдилар. Ул зот йўллаган яхшилиқ тавхид ва Оллох суйиб рози бўладиган барча ишлар ва ул зот огохлантирган ёмонлик ширк ва Оллох суймайдиган хамда хохламайдиган ишлардир.

Оллох ул зотни инсонларнинг хаммасига элчи килиб юборди ва ул зотга итоат килишни инсон ва жинларнинг барчасига фарз килди. Бунга далил: *«(Эй Мухаммад) айтинг: Эй инсонлар мен сизларнинг барчангизга Оллохнинг элчисиман»* (Аъроф:158).

Оллох ўз динини бул зотни вафот топтиришдан аввал тўла килди ва бу оятни нозил килди: *«Бугун сизларга динингизни комил (килдим), неъматимни тўла килдим ва сизлар учун Исломни дин килиб танладим»* (Моида:3).

Росулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг вафот килганларига далил: *«(Эй Мухаммад) албатта сиз ўлгувчидирсиз, улар хам ўлгувчидирлар. Сўнгра албатта сизлар парвардигорларингиз хузурида хусуматлашасизлар»* (Зумар:30-31).

Инсонлар ўлганларидан кейин яна кайта тириладилар. Бунга далил: *«Сизларни ундан (яъни ердан) яратдик, унга (ерга) кайтарамиз ва яна сизларни ундан иккинчи бор чиқарамиз»* (Тоха: 55).

«Оллох сизларнинг (отангиз Одамни) ердан ундириб ўстирди (яъни:яратди). Сўнгра вафот (килганларингизда) У зот сизларни яна ерга кайтарур ва

(киёмат койим бўлганда) сизларни чиқариб олур» (Нух: 17-18).

Инсонлар қайта тирилганларидан сўнг ҳисоб-китоб қилиниб амалларига яраша жазо-мукофот оладилар. *«(Оллох) Ёмон ишларни қилганларни қилмишларига яраша жазолагай ва яхши ишлар қилганларни эса жаннат билан мукофотлагай!»* (Нажм: 31).

Қайта тирилишни инкор қилган кимса кофир бўлади. Бунинг далили: *« Кофир бўлганлар (ўлганимиздан сўнг) қайта тирилмаймиз деб даъво қилдилар. (Эй Мухаммад), Ёлғиз парвардиоримга касам бўлсин, сизлар албатта (қайта) тириласизлар, сўнгра бу дунёда қилган амалларингиздан огоҳ этилажасизлар. Бу иш Оллохга осондир, деб айтинг»* (Тағобун:7).

Оллох пайгамбарларнинг ҳаммаларини (итоат қилганларга) жаннат башоратини берувчи, осий бўлганларни (дўзах азобидан) огохлантирувчи қилиб юборди. Бунинг далили: *«Оллох, пайгамбарлардан кейин инсонлар учун Оллохга (қариши) хужжат бўлиб қолмаслиги учун пайгамбарларни башоратчи ва огохлантирувчи қилиб юборди»* (Нисо:165).

Уларнинг аввали Нух алайҳис-салом, охиргилари эса Мухаммад саллалоҳу алайҳи ва салламдир. Уларнинг аввали Нух алайҳис-салом эканликларига далил: *«Биз Нух ва ундан кейинги пайгамбарларга ваҳий қилганимиздек сизга ҳам ваҳий қилдик»* (Нисо: 163).

Оллох таоло Нухдан то Мухаммад саллалоҳу алайҳи ва салламгача ўтган умматларнинг ҳар бирига уларни Оллохнинг ёлғиз ўзига ибодат қилишга буюрадиган ва тоғутга ибодат қилишларидан қайтарадиган элчини юборган. Бунинг далили: *«Биз ҳар бир (яшаб ўтган) умматга: «Оллохга ибодат қилинлар ва тоғутдан четланинлар» дея буюрадиган элчини юборганмиз»* (Нахл:36).

Оллох таоло бандалариниг барчасига тогутга кофир бўлишни ва Оллохга иймон келтиришни фарз килган. Ибн Каййим - Оллох рахмат килсин - шундай дейди: **«Тогут** – банданинг ибодатда, эргашишда ва буйинсунишда хаддидан ошишидир. Шу нуктайи назардан тогутлар бехисобдир. Уларнинг катталари бешдир: 1- Шайтон лаънатуллохи алайхи. 2- Бир кимсаки, унга ибодат килинади ва у бунга рози бўлади. 3- Инсонларни ўзига ибодат килишга чорлаган кимса. 4- Оз бўлсада гайб илмидан хабардорман деб даъво килган кимса. 5- Оллох нозил килган шариатдан бошкаси (инсонлар томонидан кўйилган конунлар) билан хукм килган хоким. Тогутларга кофир бўлиш ва Оллохга иймон келтиришнинг далили: **«Динда мажбурлаш йўк, тўғри йўл залолатдан ажраб бўлди. Ким тогутдан юз ўгириб, Оллохга иймон келтирса у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам халкани ушлабди»** (Бакара:256). Мана шу «ла илаха иллаллох»нинг маъносидир.

Хадисда айтилишича: «Ишнинг боши Ислом, устуни Намоз ва унинг энг чўккиси Оллох йўлида жиход килиш».

Валлоху аълам.